

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

ТДИУ Рихсимбаев Одилжан Кабулджанович
ТДИУ “Иқтисодиётда математик методлар” кафедраси
магистранти Сотиболдиев Асадбек Хасан ўғли


Аннотация: Иқтисодий ўсиш муаммоси, унинг тўлиқ тавсифини очиб бериш учун, фикримизча, иқтисодиётнинг ривожланиши учун умумий услубларини тақозо этадиган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, биринчидан, уни таърифлашда тизимли ёндашиш, иккинчидан, иқтисодий ўсишни тадқиқ қилишда аниқ теранликка эга алоҳида абстракцияли ёндашув тақозо қилинади. Шу билан бирга мақолада иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари таҳлили, соҳадаги муаммолар атрофлича ўрганилиб илмий асосланган таклифлар берилган. Калит сўзлар: Иқтисодий ўсиш, абстракция, ривожланиш концепцияси, тасодифий омиллар, самарадорлик, аҳоли турмуш фаровонлиги, ЯИМ, модернизация, барқарорлик, резидент, харажат, бюджет.

Аннотация: Проблема экономического роста, чтобы раскрыть ее полное описание, на наш взгляд, продиктована системным подходом к ее описанию, во-первых, с учетом обстоятельств, которые требуют ее общих методов для развития экономики, а во-вторых, отдельного подхода к абстракции, который явно продуман при изучении экономического роста. В то же время в статье приводится анализ показателей экономического роста, тщательное изучение проблем в данной области и научно обоснованные предложения. Ключевые слова: Экономический рост, абстракция, концепция развития, случайные факторы, эффективность, благосостояние населения, ВВП, модернизация, стабильность, резидент, стоимость, бюджет.

Abstract: The problem of economic growth, in order to reveal its full description, in our opinion, is dictated by a systematic approach to its description, firstly, taking into account the circumstances that necessitate its general methods for the development of the economy, and secondly, a separate abstraction approach, which is clearly thoughtful in the study of economic growth. At the same time, the article provides an analysis of the indicators of economic growth, a thorough study of the problems in the field and scientifically based proposals. Key words: Economic growth, abstraction, concept of development, random factors, efficiency, welfare of the population, GDP, modernization, stability, resident, cost, budget.

Жаҳон иқтисодиётида кичик бизнеснинг мобиллик даражасининг юқорилиги, инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш ва бандлик муаммосининг ҳал этишдаги имкониятларининг кенглиги кабилар таъсирида унинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда кичик бизнес корхоналари миллий иқтисодиётлар ялпи ички маҳсулоти(ЯИМ)нинг 40,0 фоизигача ўз ҳиссасини кўшмоқда. Давлатимизнинг оқилона иқтисодий сиёсати туфайли бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлаш борасида хусусий мулк ва тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик мустаҳкамланди,

электрон тарзда рўйхатдан ўтиш, ихтиёрий равишда ёпиш ва тугатиш, айрим фаолият турлари бўйича лицензия ва рухсатномаларни олиш жараёнлари соддалаштирилди, давлатнинг бизнес фаолиятига аралашуви чекланди, тадбиркорларни режадан ташқари текшириш ҳолатларига чек қўйилди, бизнес субъектлари топширадиган ҳисоботларнинг барча шакллари ва муддатлари кескин қисқартирилди. Натижада, бизнес субъектлари сони кўпаймоқда ва бизнес секторининг улуши ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳамда аҳоли бандлиги бўйича ижобий натижаларни кўрсатмоқда.



1-расм. Иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кичик бизнес улуши

Юқоридаги 1-расмда кичик бизнес улушининг ЯИМда, саноат, қурилиш, бандлик, ташқи савдодаги ўзгариш тенденциялари умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида ифодаланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида 2000-2020 йиллар оралиғидаги ҳар беш йил мобайнида кичик бизнеснинг улуши ЯИМ, саноат, қурилиш, бандлик, экспорт, импортнинг умумий ҳажмига нисбатан ўзгаришларини акс этган.

STEERPLE таҳлилининг мезонлари бир гуруҳ экспертларнинг фикрлари асосида шакллантирилди. Экспертларнинг умумий хулосасига кўра, технологик ва иқтисодий омиллар ижтимоий омиллардан устунроқ туради

1-жадвал

Ўзбекистонда бизнес ривожланиш жараёнларига таъсир этувчи омиллар вазнининг эксперт баҳолари¹

Экспертлар / Баҳолар мезони	Экспертлар				Ранглар суммаси (r_i)	r	Ранг	Параметр қиймати
	1	2	3	4				
Social (ижтимоий)	1	3	4	2	10	2,5	4	0,15

¹ Манба: Эксперт баҳолари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

Technological (Технологик)	3	5	4	1	13	3,25	2	0,19
Economic (Иқтисодий)	5	3	5	3	16	4	1	0,21
Environmental (Экологик)	3	3	3	2	11	2,75	3	0,18
Political (Сиёсий)	2	4	1	2	9	2.25	4	0,15
Legal (Ҳуқуқий)	3	1	2	2	8	2	5	0,12
Ethical (Ахлоқий)	1	2	3	2	7	1,75	6	0,10
Сумма	15	15	15	15	60			

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, мамлакатимизда 2021йил 1 январь ҳолатига кўра, 411203 та корхона (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) фаолият кўрсатаётган бўлиб, ушбу натижа ўтган йилга нисбатан 74,6 бирликка кўпайган. Фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари ичидан жами 10382 таси хорижий капитал иштирокидаги корхоналар саналади².

**Бизнес жараёнлари ривожланишининг
2021-2026 йилларга прогноз вариант сценарийлари**

			2021	2022	2023	2024	2025	2026
1	Пессимистик	I вариант	282197,6	291341,7	3045064,7	354308,7	361242,3	368597,1
		II вариант	278944,7	291068,2	303186,8	330117,4	354649,2	359642,8
2	Базисли	I вариант	30148,58	324150,2	376686,3	391586,6	444926,3	450326,2
		II вариант	292278,5	311260,5	357525,0	396211,9	434359,4	446388,2
3	Оптимистик	I вариант	32869,45	388269,9	411148	432669,5	553596,7	560124,7
		II вариант	305090,8	330345,4	412769,9	464279,9	515279,0	523104,9

Жадвал маълумотларидан маълум бўлишича, прогноз вариантларига асосан

²Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорлик. 2020 йил январ-декабр ва 2021 йил январ-март нашрлари, 2-бет.

2026 йилга келиб, пессимистик назариянинг I варианты бўйича 368597,1 млрд. сўмлик умумий бизнес маҳсулотлари, II вариант бўйича эса 359642,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Оптимистик сценарий бўйича I вариантда 560124,7 млрд. сўмлик бизнес маҳсулот, II вариант бўйича эса 523104,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

2026 йилгача бизнес жараёнлари ривожланиши моделининг прогноз аниқлиги МАРЕ мезони текшируви натижалари бўйича ва муқобил сценарийлар пессимистик, оптимистик ва базисли усулларда II хил вариант асосида ҳисобланди. Ушбу вариантлар асосида модел тузиш ва прогноз қилиш пандемия ва ундан кейинги даврлардаги ўзгаришга тайёр туриш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси, шакллари ва усулларига боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ва халқимизга 2020 йил 29 декабрдаги Мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2020 йил 30 декабрь.
3. С.Қ. Джўраева “Барқарор иқтисодий ўсиш ва уни таъминлаш боғиқларининг таҳлили”, “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2014 йил
4. Ўлмасов А., Вахобов А. “Иқтисодиёт назарияси”. Дарслик.Т.:“Iqtisod-Moliya”, 2014 й
5. “Biznes-эксперт” журнали №8 (92).2015.
6. Абдулқосимов Х. “Макроиктисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. Монография”. Т. : “Akademiya”, 2011 й.
7. Набихужаев А., Шеров Ю., Султонов П. Макроиктисодий барқарорлик кўрсаткичлари ва уларнинг Ўзбекистондаги динамикаси. // Иқтисод ва Молия. №2 2011.
8. Агапова Т.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика: Учебник. -7-е изд.перераб. и доп.-М.: Издательство “Дело и сервис”, 2005. 25-с.
9. Ахмедов Д.К., Ишмухамедов А.Э., Жумаев К., Джумаев З.А. «Макроиктисодиёт» Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти 2004.
10. “Biznes-эксперт” журнали №8 (92).2015.
11. <https://strategy.uz/index.php?news=956>.
12. <https://www.lex.uz/> - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси
13. Муаллиф илмий изланишлари натижасида ишлаб чиқилди.
14. Ситмуратов Ш.Т. Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва экзоген ўсиш моделлари: иқтисод фанлари фалсафа доктори диссертацияси автореферати. Ургенч: УРДУ, 2021. Ситмуратов Ш.Т. Иқтисодий ўсишнинг моҳияти ва моделлари. «ORIENT ART AND CULTURE» илмий-методик журнали. «Ўзбекистонда илм-фан ва таълим» №2-сонли конференция тўплами, 2020.